DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-65 Pages: 568-574

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



HISTORY OF THE STUDY OF THE WORK "KITAB AL-QAND"

Nodira N. Sadullayeva
Senior teacher
Department of Arabic Studies
Tashkent State University of Oriental Studies
Email: mumtoz1990@bk.ru
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: hadis, jurisprudence, interpreter, muhaddis, mutakallim, social life.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: Abu Hafs al-Nasafi, who worked and created many books in the field of jurisprudence and history, as well as the science of balaga, kalam and tafsir, was one of the outstanding scientists of his time, and left us his rich spiritual heritage. The book "Kitab al-Kand", which has come down to us, is one of the valuable sources of information about the social life of Movarunnahr. This article tells about the discovery of this work and about the social and spiritual life of Samarkand.

«КИТОБ АЛ-ҚАНД» АСАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Нодира Н. Садуллаева
Катта ўқитувчи
Арабшунослик олий мактаби
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Email: mumtoz1990@bk.ru
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ҳадисшунослик, фиқҳ, муфассир, муҳаддис, мутакаллим, ижтимоий ҳаёт.

Аннотация: Тафсир, фиқҳ, калом, тарих ва балоғат соҳаларида қалам тебратган Абу Ҳафс ан-Насафий замонасининг етук олимларидан бири бўлиб, бизгача ўзидан бой маънавий мерос қолдирган. Олимнинг бизгача етиб келган "Китоб ал-Қанд" асари Мовароуннаҳр ижтимоий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи

қимматли манбалардан биридир. Ушбу мақолада асарда асарнинг топилиши, унда Самарқанд ижтимоий-маънавий ҳаётининг ёритилши масаласи хусусида сўз юритилади.

ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ ПРОИЗВЕДЕНИЯ «КИТАБ АЛ-КАНД»

Нодира Н. Садуллаева
Старший преподаватель
Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
Email: mumtoz1990@bk.ru
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: хадис, юриспруденция, толкователь, мухаддис, мутакаллим, социальная жизнь.

Аннотация: Абу Хафс ан-Насафи работавший и создавший много книг в сфере юриспреденции и истории а также о науке балага, калам и тафсир был одним из выдающихся ученых своего времени, и оставил нам своё богатое духовное наследие. Книга уяёного дошедшая до нас «Китаб ал-Канд» является одним из ценных источников информацию о социальной жизни Моваруннахра. В данной статье рассказывается об открытие этой работы и о социально-духовной жизнь Самарканда.

Кириш. Бизга бой илмий мерос қолдирган алломаларимиздан бири ҳозирги Қарши воҳасидан етишиб чиққан Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон ал-Ҳанафий, ан-Насафий, ас-Самарқандий (462-537/1143-1069) дир. У халқ орасида Абу Ҳафс, Нажмиддин, Сирожу-д-дин, Шайху-л-ислом ва Муфтий ас-сақалайн кунялари билан танилган. Асли Насафлик бўлиб, умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказгани учун унга “ан-Насафий сумма ас-Самарқандий” (“насафлик”, сўнгра “самарқандлик”) нисбалари берилган. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-Қанд” асари ижтимоий соҳа бўйича энг кўп маълумот берувчи асардир. Бу манба XX аср бошларига қадар йўқолган асарлар қаторида саналиб келинар эди. Унинг топилиши Ватанимиз тарихини, хусусан, Самарқанд ҳадис илми тарихини ёритишда катта янгилик бўлди.

Адабиётлар таҳлили ва методология. “Китоб ал-Қанд” асарининг нодир қўлёзмаси 1967 йилда Истанбулнинг Сулаймония кутубхонасидан топилди. “Turhan Valde” фондида 70-рақам остида сақланаётган бу қўлёзмани Фуод Сезгин аввалига, Абу-л-Аббос Жафар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирийнинг “Тарих Самарқанд” номли биографик қомусига ан-

Насафий томонидан “Зайл” (давом, қўшимча) тарзида ёзилган “ал-Қанд фи тарих уламо Самарқанд” номли асарининг нусхаси, деб тахмин қилди [7: 353]. Аммо у ал-Мустағфирий асарининг зайли эмас эди. Бунга туртки бўлган важҳ шу эдики, “Китоб ал-Қанд” асарининг бу нусхасида 169 ерда ал-Мустағфирийдан маълумот келтирилади. Бундан маълум бўладики, аксинча, Абу Ҳафс ўз асарини ал-Мустағфирийга зайл тарзида ёзмаган, балки унинг асаридан манба сифатида фойдаланган.

Мазкур қўлёзма ҳақида 1986 йилда Дж.Уайнбергер мақола ёзди. У Париж ва Истанбул нусхаларини солиштириб, “XII аср Трансоксианга тегишли икки биографик луғатнинг авторлиги” номли мақоласини эълон қилди [10: 369-382]. Тадқиқотчи Истамбул қўлёзмасини ўрганиб чиқиб, муаллиф манба сифатида нафақат ал-Мустағфирийдан (169 марта), балки Абу Сад ал-Идрисийдан (421 марта) ва бошқа биографик қомуслардан фойдаланганлигини аниқлади. Бу ўз навбатида Дж.Уайнбергерга мазкур қўлёзма бирор асарнинг давоми эмас, балки илк ислом давридан то XII асргача Самарқандда яшаб ижод этган муҳаддис олимлар таржимаи ҳолини ўзида жам этган бошқа бир асарнинг нотўлиқ нусхаси эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос берди. Бу эса Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-Қанд фи марифат уламо Самарқанд” асаридир.

2001 йилда “Китоб ал-Қанд” Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли томонидан ўзбек тилига қисқартирган ҳолда таржима қилиниб, оммабоп тарзда нашр этилди [2]. Натижада, фақат ўзбек тилида ўқий оладиган кенг китобхонлар оммаси бу китоб билан қисман бўлса-да танишиш имкониятига эга бўлдилар. Аммо бу таржима “Китоб ал-Қанд” Туркия қўлёзмасининг Назар Муҳаммад ал-Форйобий томонидан амалга оширилган нашридан қилинган бўлиб, мазкур нашрда йўл қўйилган хатолар унда ҳам такрорланади. Боз устига таржимада илм учун ғоят зарур ҳадис иснодлари ташлаб кетилган. Бу қабилдаги қисқартириш ўзбекча нашрнинг илмий аҳамиятини пасайтиради. Нашрда яна баъзи жузъий камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, Аҳмад ибн Наср ал-Атакийнинг нисбаси “ал-Аткий” [2: 8] шаклида берилган ва бошқалар.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар “Китоб ал-Қанд” асарини “Қанд”, “Қандийа” ёки “Қандийа-и хурд” (“Кичик қандийа”) номи билан маълум эканлигини таъкидладилар [8: 62-65].

Натижалар. “Китоб ал-Қанд” ҳадис илмининг илму-л-рижол соҳасига тегишли тарихий-биографик жанрда яратилган асардир. Тарихий-биографик асарлар араб адабиётида жуда кенг тарқалган. Мусулмон жамиятининг ўрта асрлардаги диний маданияти тарихини ўраганишда улар катта аҳамиятга эга. Бу жанрдаги илк асарлар VIII аср охири-IX аср бошларида ёзила бошлади. Ибн Сад ўзининг асарида саҳобалар ва тобиинларнинг таржимаи ҳолларини батафсил баён қилган. Биографияларни тартибга

солишда улардан исломни биринчи қабул қилганлар ва Пайғамбарга яқин бўлганларнинг номларини биринчи ўринга қўяди.

IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тўплам шаклига келтирилган олти ҳадис мажмуалари яратилганидан сўнг, биографиячиларнинг эътиборлари кўпроқ бу тўпламларда учраган ровийларнинг номларини тўплаш, уларнинг тўғри ўқилишини таъминлаш ҳамда ишончли ва ишончсизга ажратиб, муҳаддислар ҳақидаги махсус биографик тўпламларни тузишга қаратилди. Бу олти тўпламнинг тузувчилари бу турдаги асарларнинг биринчи муаллифлари бўлиб қолдилар [9:197]. Бу ўринда мисол тариқасида Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг “Китоб ад-дуафо”, Аҳмад ибн Али ан-Насоийнинг “Китоб ал-куно”, Абу Бишр ад-Дулобийнинг “Китоб ал-асмо ва-л-куно” асарларини келтириш мумкин. Ишга янгича ёндошув биографияларнинг жойлашув тартибини ўзгартиришни талаб этди. Масалан, Имом ал-Бухорий ўзининг “Китоб ат-тарих ал-кабир” асарида ҳадис ровийларининг таржимаи ҳолларини алифбо тартибида жойлаштирди [6].

Мусулмон жамияти ҳаётида юз берган ўзгаришлар табақот жанридаги асарларнинг таркиб ва тузилишига таъсир кўрсатди. Халифалик таркибидаги шаҳарларда ҳадисга оид илмларнинг ривожланиши алоҳида шаҳар ва туман анъаначилари табақаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай рўйхатлар ўша шаҳарга тегишли саҳоба ва тобиинларнинг таржимаи ҳоллари билан бошланиб, ундан сўнг шу жойдан чиққан ҳадис ровийларининг таржимаи ҳоллари берилган. Муҳаммад ибн Ҳиббон ал-Бустийнинг “Китоб ат-табақот ал-исбаҳонийа”, Солиҳ ибн Аҳмад ал-Ҳамадонийнинг “Табақот ал-ҳамадонийин” асарлари шу тартибда тузилган. Кейинроқ ёзилган “шаҳарлар тарихи” жанридаги асарларнинг анчагина қисмини ҳадисшунос, илоҳиётчиларнинг таржимаи ҳоллари ташкил этади. Аммо бу жанрдаги ал-Хатиб ал-Бағдодийнинг “Тарих Бағдод”, Ибн Асокирнинг “Тарих Димашқ” ва бошқа асарларда бу шаҳарларнинг шарафини безаб турувчи машҳур кишиларнинг таржимаи ҳоллари, фойдаланишга қулай бўлсин учун, алфавит тартибида жойлаштирилган.

Мовароуннаҳрда энг аввал яратилган машҳур тарихий-биографик асарлардан бири Абу Сад Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийнинг “Китоб ал-камол фи марифат ар-рижол мин уламо Самарқанд” асаридир. Бу асар бизгача етиб келмаган ҳисобланади. Жафар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирийнинг Насаф тарихи бўйича ёзган асари ҳам юқорида зикр этилган асар каби бизгача етиб келмаган [4: 60-61].

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-Қанд” асарида ҳам уламоларнинг исмлари ўзига хос тарзда алифбо тартибида жойлаштирилган. Унда исмлар бош ҳарфига кўра гуруҳларга жамлаб, гуруҳлар алифбо бўйича тартибланган. Масалан, Холид, Халаф ва ҳ.к. каби исмлардан сўнг Довуд, Заквон исмлари келади. Аммо гуруҳлар ичидаги бир хил

ҳарф билан бошланувчи исмлар ўзаро алифбо тартибида эмас, балки шахсларнинг ислом тарихида эгаллаган мавқеи даражаларига кўра, яшаб ўтган даври бўйича ёки мазкур шахсларга номдош бўлишига кўра тартибга солинган. Масалан, араб алифбосига кўра Қутайба ибн Муслим номи Қусам ибн ал-Аббос номидан олдин келиши керак эди, аммо асарда аксинча, Қутайбанинг таржимаи ҳоли тарихийликка кўра Қусамдан кейин келади. Бундан ташқари, Али исмли уламоларнинг номлари, илк халифаларнинг тарихига кўра, Умар ва Усмон исмли шахслардан кейин жойлаштирилган ва ҳ.к. Асарда тартиб исмлар бўйича бўлсада, номдан аввал олимнинг лақаб ва кунйаси берилган.

“Китоб ал-Қанд”да нафақат Самарқанд шаҳрига алоқадор уламолар, балки Сўғд вилоятидаги қишлоқлар, кичик шаҳарлар, жумладан, Насафга тегишли бўлган уламолар ҳам ўрин олганлар. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Абу Ҳафс ан-Насафий “Самарқанд” номи остида ўша даврдаги “Сўғди Самарқанд”ни назарда тутган.

“Китоб ал-Қанд” асарининг қимматли томонларидан бири шундаки, у бир қатор бизгача етиб келмаган манбаларда мавжуд бўлган маълумотларни беради. Масалан, Мовароуннаҳрда энг аввал яратилган машҳур тарихий-биографик асарлардан бири Абу Сад Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийнинг “Китоб ал-камол фи марифат ар-рижол мин уламо Самарқанд” асаридир. Бу Самарқанд уламолари ҳақида ёзилган бебаҳо манба бизгача етиб келмаган бўлса-да, ундаги маълумотлар кейинги давр муаллифларининг асарларида, хусусан, Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-Қанд” асарида сақланиб қолган. Абу Ҳафс ўз асарида бу манбадан 421 жойда фойдаланган [10: 371]. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ал-Идрисий асарининг асосий қисми “Китоб ал-Қанд”да сақланиб қолган.

“Китоб ал-Қанд” асари бошқа манбаларни ўзида сақлаб қолиши билан бирга бошқа манбалар ҳам мазкур асарнинг йўқолган қисмларини ўзларида мужассам қилган. Масалан, Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-Бағдодий “Тарих Бағдод” китобини таълиф этишда Абу Сад ал-Идрисийдан ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Муаддиб орқали 38 ерда иқтибос келтирган [3: 276]. Абу Ҳафс ан-Насафий ҳам айнан ал-Идрисийнинг асаридан фойдаланган. Шунинг учун “Тарих Бағдод”да мавжуд бўлган Самарқанд уламоларига тегишли маълумотлар “Китоб ал-Қанд”да ҳам мавжуд бўлган. Демак, ан-Насафий асарининг йўқолган қисмларини тиклашда ал-Бағдодийнинг китобидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари “Китоб ал-ансоб” асарининг муаллифи Абу Сад Абд ал-Карим ибн Муҳаммад ас-Самоний Абу Ҳафс ан-Насафийни ўз устозлари қаторида санаб, унинг “Китоб ал-Қанд” асаридан жуда кўп жойда фойдаланган. Ас-Самоний ўз асарида 27 жойда Абу Ҳафс ан-Насафий номини тилга олиб, у ҳақда маълумотлар беради[1]. Шунинг учун

ҳам “Китоб ал-ансоб” асари, шубҳасиз, “Китоб ал-Қанд” маълумотларини тўлдиришда асосий манбалардан биридир. Ибн ан-Нажжор номи билан машҳур Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бағдодий “Зайл Тарих Бағдод” асарида Абу Ҳафс ан-Насафийнинг шогирди ас-Самонийнинг маълумотларидан фойдаланади [5: 100]. Ибн ан-Нажжорнинг асари ҳам Самарқанддаги ҳадис илми тарихини тадқиқ этишда қўшимча манбалар қаторида туради.

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-Қанд” ва “Мунтахаб” асарларида 1232 та мовароуннаҳрлик уламонинг таржимаи ҳоли берилган . Улар VIII-XII асрларда маънавиятнинг турли соҳаларида фаолият олиб боришган. Китобга, асосан, Самарқанд шаҳри билан боғлиқ бўлган – бу шаҳарда туғилган, яшаган, фаолият олиб борган, вафот этган ёки қайсидир жиҳатдан шаҳар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатган уламоларнинг номлари киритилган. Аммо асарда Самарқанд шаҳридан ташқари Дабусийа, Кушонийа, Кеш ҳамда Насаф каби шаҳар ва қишлоқлар билан боғлиқ уламоларнинг таржимаи ҳоллари ҳам кўплаб учрайди. Чунки юқорида қайд этилганидек, муаллиф ўз олдига нафақат Самарқанд шаҳри, балки Сўғди Самарқанд вилояти муҳаддислари биографик луғатини тузиш вазифасини қўйган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур асарда келтирилган 950 дан ортиқ ҳадис Самарқанд маънавий ҳаёти турли жабҳаларидаги муҳитни – илоҳиёт, ахлоқ, сиёсат, қонунчилик, қадриятлар соҳаларини акс эттиради.

“Китоб ал-Қанд” асари VIII-XII асрлардаги Мовароуннаҳр, хусусан, Самарқанд маънавий муҳитини, жумладан, ҳадис илми тараққиётини ўзида акс эттирган муҳим ва қимматбаҳо манбадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdullah Umar al-Barudi. Fahoris // Ansob. – T. VI. – Beirut: Dar al-Fiqr, 1419/1998.
2. Abu Hafs Umar ibn Muhammad ibn Ahmad an-Nasafi. Al-Qand fi dhikr of the scholars of Samarkand. Abridged from Arabic by: Usmankhan Temurkhan oglu and Bakhtiyor Nabikhan oglu. – Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2001.
3. Akram Diyo’ al-Umari. Mavorid al-Khatib al-Baghdadi fi-Ta’rikh Baghdad. – Damascus-Beirut: Dar al-Qalam, 1395/1975.
4. Bartold V.V. Turkestan in the era of the Mongol invasion // Bartold V.V. Works. – T. I. – M.: Publishing House of Eastern Literature, 1963.
5. Ibn Najjar al-Baghdadi. History of Baghdad. - J. 1. - Beirut: Doru-l-kutubu-l-ilmiya, 1973.
6. Muhammad ibn Ismail al-Bukhari. Kitab at-ta'rih al-kabir. 9 volumes. - Beirut: Dar al-kutub al-‘ilmiya [year not specified].

7. Sezgin F. Geschichte des Arabischen Schrifttums. – T. I. – Leyden. – 1967.

8. Uvatov U. Scholars of Samarkand // Lessons from the wise. – T.: People's Heritage Publishing House named after Abdulla Qadiri, 1994.

9. Schmidt. A.E. Review of the book: Al-Khafiz Shams ad-din Muhammed b. Ahmed al-Zahabi. Mizan al-i'tidal fi nakd ar-ridjal // Zapiski Vostochnogo otdeleniya Imperatorskogo Russkogo archeologicheskogo obshchestva. - T. XIX. SPb. – 1909.

10. Weinberger J. The Authorship of Two Twelfth Century Transoxanian Biografical Dictionaries // Arabica, 1986. – T. 33. – P. 369-382.

11. Govkhar Rakhmatova, . (2023). SIMPLE SENTENCE AND ITS EXPRESSION IN ANCIENT TURKIC LANGUAGE. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES, 4(05), 27–32. https://doi.org/10.37547/philological-crjps-04-05-07

12. Sadullaeva, N. N. (2023). CENTRAL ASIAN LINGUISTS AND POETS WHO WERE ACTIVE IN THE SOCIAL FIELD IN ABU HAFS AN-NASAFI'S WORK "AL-QAND". CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES, 4(05), 83-86.